



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 17 март, № 51 (9222)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИС САНОАТИДА ЮҚОРИ ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШ — КЕЛАЖАК САНОАТИНИ БАРПО ЭТИШ ДЕМАКДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 16 март куни Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташриф буюриб, 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида иштирок этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари мис концентратини ишлаб чиқариш жараёни ва комбинатда ташкил этилган Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди, тоғ-кон саноатидаги йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида қатнашди.

Ўртимизда саноат, энергетика, инфратузилма, сервис соҳаларида кўплаб йирик лойиҳалар ишга туширилмоқда. Хар бир ҳудудда янги ўй-жой массивлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, туризм ва маданият масканлари бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз саноати ривож учун стратегия аҳамиятга эга бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси ҳам ана шундай кенг кўламли ишлар ва бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати маҳсулидир.

“Ёшлик-1” конини ўзлаштириш дастури доирасида 196 гектар майдонда амалга оширилаётган қиймати 2 миллиард 700 миллион долларлик ушбу лойиҳа шунчаки корхона эмас, балки мамлакатимиз саноат қудратини янада мустаҳкамлайдиган, табиий бойликларимизни чуқур қайта иш-

лашга хизмат қиладиган замонавий индустриал мажмуа ҳисобланади.

Фабрика йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаб, 900 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш қуввати билан нафақат Марказий Осиёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи мажмуалардан бири, балки дунёдаги йирик бойитиш фабрикалари сирасига қиради.

Лойиҳани жаҳон стандартлари даражасида амалга ошириш мақсадида Италиянинг “Wood”, Буюк Британиянинг “Worley Parsons” каби компаниялари жалб этилди. Фабрикада жаҳоннинг етакчи компаниялари — “Metso”, “FLSmidth”, “Weir Minerals” ва “Siemens” технологиялари жорий қилинган.

Мазкур лойиҳа ҳудуддаги турдоқ саноат тармоқлари ривожига ҳам кучли туртки берди. Қурилишда ишлатилган металл конструкциялар ҳажмига тенг материалдан 10 та Эйфель

минораси, темир-бетон сарфига эса қарийб 2,5 та Бурж Халифа минорасини барпо этиш мумкин. Бу фабриканинг мегалойиҳа эканини яна бир бор тасдиқлайди.

“Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида фабрика ҳудудда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Томчилатиб сугориш тизимлари ва экодизайн ечимлари саноат ҳамда табиат мувозанатини тавминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ўз нутқида сўнги йилларда тоғ-кон саноатида амалга оширилган ислохотлар натижалари ва келгуси режалар ҳақида сўз юритди.

Конларни инвесторларга бериш бўйича шаффоф тизим яратилганининг ҳисобига тўққиз йилда 10 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилди. Бугун соҳада 65 та хусусий корхона фаолият юритмоқда.

Натижада тармоқда ишлаб чиқа-

риш 1,7 баробар ўсиб, ўтган йилда 270 триллион сўмга етди. Саноат ҳажми ва бюджетга тушумнинг тўртдан бири ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда. Муҳими, юқори даромадли энг кўп иш ўринлари ҳам айнан шу соҳадаги корхоналарда.

Хорижий ҳамкорлар билан юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилгани ҳам энг катта ютуқлардан бири бўлгани таъкидланди.

Хусусан, Олмалиқда “Москва пўлат ва қоришмалар институти” университети филиали (“МИСиС”), Олмалиқ техника институти, Тошкент шаҳрида Геология фанлари университети (Ухань геология университети билан ҳамкорликда) ҳамда Италиянинг Пиза университети филиали ташкил қилинди. Навоий кончилик технологиялари университети ҳам Россия, Канада, АҚШ, Франция ва Чилининг илғор олийгоҳлари билан қўшма дастурлар йўлга қўйилди.

Бунинг самараси ўларок, илгари қимматбаҳо ва рангли металл, асосан, хомашё шаклида экспорт қилинган бўлса, бугун йилига 100 минг тонна мис ўзимизда қайта ишланиб, юқори қийматли маҳсулот яратилмоқда, қисқа муддатда заргарлик саноатида ишлаб чиқариш 3,3 карра ўсиб, 13 триллион сўмдан ошди.

Президентимиз жорий йилнинг ўзида ишга тушадиган лойиҳаларни ҳисобга олиб, мисни чуқур қайта ишлаш қувватлари 240 минг тоннага етишни таъкидлади. Яқин икки-уч йилдаги янги лойиҳалар натижасида бу кўрсаткичлар янада ошади.

Мис саноат, энергетика, электротехника, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, “яшил” тараққиёт учун стратегик хомашёга айлангани кўрсатиб ўтилди.

— Кимки мис саноатида юқори қиймат занжирини яратса, келажак саноатини барпо этган бўлади. Қайси давлат бу хомашёни чуқур қайта ишлаш учун кучли инфратузилма яратса, у минглаб оилаларга даромад, ҳудудларга тараққиёт, мамлакатга қудрат олиб келади. Шу боис биз ислохотларимизнинг илк қўнаридан геология-қидирув ишларига алоҳида эътибор қаратиб, мавжуд захиралар ва уларни ишга солиш бўйича имкониятларимизни белгилаб олдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Биргина “Ёшлик-1” конидан жорий йилнинг ўзида 20 миллион тонна руда қазиб олинади. Бу рақам келгуси икки йилда 60 миллион тоннага етади.

Умуман, “Ёшлик-1” ва “Қалмоққир” конларида 45 миллион тонна мис, 5 минг тоннадан зиёд олтин захира-сининг борлиги, ушбу захира саноатга камиди 100 йилга етадиган кафолатли хомашё базаси бўлиши таъкидланди. Конлардаги молибден, селен, теллур, рений каби ноёб металллар янги инновацион йўналишлардаги лойиҳалар учун мустаҳкам замин яратади.

3-мис бойитиш фабрикаси тўлиқ ишга тушганидан кейин Олмалиқ комбинатида мис концентратининг кунлик ҳажми ҳозирги 2 минг 400 тоннадан 5 минг тоннага ошади. Шу билан бирга, лойиҳа доирасида 6 мингдан зиёд ёшлар юқори даромадли иш жойига эга бўлади. Фабрикада АҚШ, Германия, Россия, Хитой ва Финляндиянинг тоғ-кон саноатидаги энг илғор технологиялари жорий қилинмоқда. Барча технологик жараёнлар рақамлаштирилиб, сунъий интеллект асосида ягона бошқарув тизимига уланади. Буларнинг ҳисобига энергия сарфи 10 фоизга, таннарх 15 фоизга камаяди, меҳнат унумдорлиги эса 10 фоизга ошади.

Бундан ташқари, қиймати 2,5 миллиард долларлик янги мис эритиш заводини барпо этиш бўйича ишлар ҳам бошланган.

Умуман, ушбу 2 та йирик қувват ҳисобига мис катоди ишлаб чиқариш йиллик ҳажми 148,5 минг тоннадан 300 минг тоннага, олтин 20 тоннадан 33 тоннага, кумуш 161 тоннадан 203 тоннага, молибден 850 тоннадан 1,7 минг тоннага етиши таъкидланди. Шу билан бирга, уран қазиб олиш ва кимё саноати учун зарур хомашё бўлган сульфат кислотасини ишлаб чиқариш 3 карра ошади.

Президентимиз бу кўрсаткичларни яна 1,5 карра оширишга хизмат қиладиган 4-мисни бойитиш фабрикаси бўйича лойиҳаолди ишлар жадал кетаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар ишлаб чиқаришни олтинда 175 тоннага, кумушда 500 тоннага, уранда 15 минг тоннага, мисда 500 минг тоннага етказишни мақсад қилган. Бу бо-

рада амалга оширилаётган 22 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида яратиладиган 40 мингга яқин юқори даромадли иш ўринлари ёшларимиз учун катта имконият бўлади.

Давлатимиз раҳбари фабрикани қуришда фаол иштирок этаётган барча ишчи-ҳодимлар, қурувчи ва машинистлар, муҳандис ва технологлар, геолог ва кончилар, ўзининг тажрибаси ва касбий салоҳияти билан ёшларга устозлик қиладиган фахрийлар, лойиҳага ўз ҳиссасини қўшаётган хорижий ҳамкорларга чуқур миннатдорлик билдирди. Фабриканинг янги меҳнат жамоасига эса келгуси ишларида улкан зафарлар тилади.

Комбинат ишчилари, меҳнат фахрийлари, профессор-ўқитувчилар билан мулоқот бўлди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, фабрика фаолиятига старт берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатида барпо этилган мис концентратини филтрлаш корпусида бўлди.

3-мис бойитиш фабрикаси таркибидеги корпус йилига 917 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш қувватига эга. Замонавий саноат пресс-филтрлари, насос агрегатлари, шлам ва сув айланма тизимлари ўрнатилган. Усуналар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори самарадорлик ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, корпусда умумий 5 та пресс-филтрдан 3 таси тўлиқ ишга туширилган, яна 2 таси ишга туширишга ҳозирланмоқда.

Филтрлаш корпусида флотация жараёнидан келган мис концентратини қабул қилиш, концентратни қуоқтириш ва филтрлаш, тиндирилган сувни ажратиш ва қайта ишлаб чиқаришга қайтариш, тайёр мис концентратини сақлаш ёки кейинги қайта ишлаш босқичига узатиш каби технологик жараёнлар амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини янги тахирдаги Конституция лойиҳаси бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Қабул қилинган янгиланишлар Қозоғистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга ишончли ҳуқуқий асос бўлиши ва қўшимча суръат бағишлаши таъкидланди.

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувларни амалга ошириш нўқтаи назаридан янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа устувор соҳаларда қўша лойиҳа ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, биродар халқларимизни яқинлаштириш келаётган Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами муносабати самимий қўтлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавом равнақ тиладилар.

Ў.А.

Учрашув

ТИНЧ ВА БАРҚАРОР ЖАМИЯТ БУНЁДКОРЛАРИ

Куни кеча Олий Мажлис Сенатида жаҳоннинг нуфузли таълим муассасаларидан бири — АҚШнинг Гарвард университети қошида фаолият юритувчи Марказий Осиё ва туркий мамлакатлар кокусига аъзо талабалар билан учрашув ташкил этилди.

Унда Сенат Раиси Танзила Норбоева ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева иштирок этди.

Мулоқот давомида Ўзбекистонда иқтисодиёт, таълим тизими ва давлат

бошқаруви соҳаларида удаланаётган кенг қамровли янгиланишлар, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар ҳамда конунчиликдаги долзарб ўзгаришлар юзасидан фикр алмашилди.



Сиёсий партиялар фракцияларида

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида ўтказилган аҳоли мурожаатлари билан

ишлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.



Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига

«МЕНИНГ БИР БОҒИМ БОРДИР: САМАРҚАНДАН БУХОРОГАЧА...»

Соҳибқирон Амир Темур туғилганига олти юз тўқсон йил тўлоқда. Бу қўтлуғ санани юксак рўҳда нишонлаш ҳақида шу йил 5 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кенг кўламли қарори эълон қилинди. Бу маданий ҳаётимизда бағоят қувончли ҳодисага айланди.

Орадан шунча йиллар ўтишига қарамай, улғу бобомиз даврига, шахсига, ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш нафақат бизда, балки бутун жаҳонда тобора ортиб бораётганини кўриб, ғурурланиб ке-

тасан киши. Айтиш мумкинки, насли-насабию миллатидан қатъи назар, Ер юзиде Соҳибқирон тақдирига бефарқ қарайдиган одам кам...

Улғу зотнинг бошқа сиймолардан ажралиб турадиган қандай фазилатлари бор? Инсониятни қойил қолдириб келаётган ҳодисалардан бири Амир Темурни буюк шахс сифатида яққол кўрсатиб турадиган фазилат, шубҳасиз, бу унинг бунёдкорликка, боғдорчиликка, ободончиликка бўлган меҳри ва ши-

“*(Соҳибқирон) ҳар ердаким, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди...*”

Шарафилдин Али ЯЗДИЙ

жоатидир. Мухтасар айтганда, у том маънода бунёдкор! Амир Темурнинг яна ибратли фазилатларидан бири шуки, ҳар ишга киришса, қаттиқ киришар эди. Шарафилдин Али Яздиннинг ёзишича, “*Ҳазрат Соҳибқироннинг бийик химма-*

ти — ҳар ишни охиригача еткурмагунча ултурмас эрди...” Рус шарқшунос олими В. Бартольд ҳам Соҳибқироннинг бунёдкорлигига тан бериб, Амир Темурни “*ўта сергайрат, жонқуяр қурувчи*”, деб атайди.



МИС СANOАТИДА ЮҚОРИ ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШ — КЕЛАЖАК СANOАТИНИ БАРПО ЭТИШ ДЕМАҚДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда бу ерда 130 нафарга яқин ишчилар меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари иш жараёни ва тайёр маҳсулотни кўздан кечирди, ходимлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз иштирокида шу ернинг ўзида мис концентратидан намуналар олиш маросими ўтказилди. Намуналар 2 та алоҳида идишга солиниб, Олмалик комбинати музейи ва Тошкентдаги Давлат геология музейига юборилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмалик кон-металлургия комбинатига ташкил этилган Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди.

Мазкур марказ комбинатнинг 1, 2 ва 3-мис бойитиш фабрикаларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш, самарадорликни ошириш ва узлуксиз мониторингинг таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Замонавий рақамли бошқарув тизимлари, катта экранли мониторинг панеллари, видеокузатув воситалари, шунингдек, "Siemens PCS 7" ва "AVEVA PI Vision" платформалари орқали майдалаш, флотация, қуюлтириш, филтрлаш, реагентлар билан таъминлаш, технологик сув таъминоти, цехлар ва транспорт тизими фаолияти реал вақт режимида назорат қилинмоқда.

Бошқача айтганда, ушбу марказ фабриканинг ўзига хос "мияси" бўлиб, йигирма мингдан зиёд ускуналар ягона ахборот тизимига уланган. "Ақлли" камералар орқали дастлабки мониторинг амалга оширилади, сунъий интеллект ёрдамида эса аномал ҳолатлар автоматик тарзда аниқланади. Бу маълумотларни ягона ахборот тизими орқали таҳлил қилиш ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Президентимиз марказ фаолияти билан танишар экан, сунъий интеллект орқали, айниқса, тоғ-кон ва металлургия тармоқларида самарадорликни ошириш бўйича катта имкониятлар борлигини таъкидлади. Шу билан бирга, сув ресурсларидан оқило-

на фойдаланиш мақсадида замонавий ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига комбинатнинг ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларини янада рақамлаштириш бўйича режалар тақдирот қилинди.

Қайд этилганидек, кондан маъдан қазиб олишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган барча жараёнлар босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Келгуси беш йилда ҳар бир босқичга сунъий интеллект ечимларини кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Саксон йил давомида тўпланган геологик ва маркшейдерлик маълумотлари асосида конларни рақамлаштириш ишларининг бориши ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, "Рақамли кон" тизими кунлик, ҳафталик ва ойлик қазилма ишларининг аниқ йўналишларини белгилаш имконини бermoқда.

Сунъий интеллект асосида карьер йўллари ҳолати назорат қилинмоқда, самосвал шиналарининг босими ва ҳарорати датчиклар орқали кузатиб боришмоқда. Ана шундай доимий мониторинг натижасида шиналарнинг хизмат муддати 14 фоизга оширилган.

Соҳада замонавий технологияларни чуқур ўзлаштирган мутахассислар тайёрлаш, кадрларни янги иш усуллари ва рақамли ечимлар асосида ўқитиш устувор вазифалардан бири экани кўрсатиб ўтилди.

Патент ишлари қўламини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фабрикадаги ҳар бир босқичда қўлланилаётган илмий-технологик ечимларни патентлаш, бу борада ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, истиқболли инновация йўналишларини белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, янги патент бу — янги технология, янги ишлаб чиқариш йўналиши ва янги бозорлар, дeмак. Мамлакатимиздаги бой хомашё базаси ҳақон бозорларига чиқиш учун кенг имкониятлар яратаятгани инobatга олиниб, 2026 йилда қайси истиқболли йўналишларда яна қанча

патент олиш мумкинлиги юзасидан аниқ ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмалик кон-металлургия комбинатига таширф доирасида тоғ-кон саноатида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан йиғилиш ўтказди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ахборот технологиялари, сунъий интеллект, робототехника, энергетика, электротехника, кимё ва мудофаа саноати каби стратегик тармоқларни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан мис, уран, литий, вольфрам ва бошқа муҳим металлургия базасига таянади. Дунё бозорларида мазкур ресурсларга талаб ошиб бораётгани, жумладан, мис концентрати бозорига тақчиллик кучайиб, нархлар ўсиши кутилаётгани тоғ-кон ва металлургия соҳасидаги лойиҳаларни тезлаштиришни янада долзарб қилиб қўймоқда.

Шу муносабат билан 2030 йилга қадар Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқариши 175 тоннага, қумушни 500 тоннага, урани 15 минг тоннага, мисни 500 минг тоннага етказиш бўйича белгиланган марраларга эришиш учун барча имкониятларни тўлиқ сарфбар этиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада ҳар бир йирик лойиҳани аниқ график асосида амалга ошириш, молиялаштириш, қурилиш, логистика, технологик жиҳозлаш ва кадрлар билан таъминлаш масалаларини ўзаро уйғунлиқда ҳал қилиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда, аввало, Олмалик кон-металлургия комбинатига амалга оширилаётган стратегик лойиҳаларнинг бориши танқидий қўриб чиқилди. Хусусан, 3-мис бойитиш фабрикасининг кейинги навбатларини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, мазкур лойиҳанинг технологик давоми ҳисобланган янги мис эритиш заводини барпо этиш масалалари ҳам қўриб чиқилди. Унда техник-иқтисодий асосни яқунлаш, хорижий экспертларни жалб қилиш, қисқа муддатларда қурилиш ишларини бошлаш юзасидан масъуларга аниқ вазифалар юклатилди.

Олмалик комбинатининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 4-мис бойитиш фабрикаси бўйича техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш учун нуфузли халқаро компанияларни жалб этиш вазифаси алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ушбу ҳужжатда сув таъминоти, темир йўл, энергетика инфратузилмаси, экологик талаблар ва юқори самарали технологияларни комплекс қамраб олиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда жорий йил учун тармоқда 90 та лойиҳа доирасида 2 миллиард 200 миллион доллар инвестиция жалб қилиш, 172,5 минг тонна мис, 120 тонна олтин, 210,5 тонна қумуш ва 8 минг тонна уран ишлаб чиқариш вазифалари белгилангани қайд этилди.

Шу билан бирга, бир қатор истиқболли конлар ва объектлар бўйича техник-иқтисодий асосларни тез фурсатда яқунлаш, экспертиза жараёнларини соддалаштириш бўйича қабул қилинган янги қарор имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Ҳукуматга ушбу лойиҳалар доирасидаги ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни қисқа муддатда ҳал қилиш топширилди.

Энергетика ресурсларига бўлган талаб ортиб бораётган шароитда қўриб қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш лойиҳаларини жадаллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли ва саноат корхоналарига кўмир етказиб бериш ҳажминини ошириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти доирасида "Мурунтоғ" конини кенгайтиришнинг навбатдаги босқичи, янги конларни ўзлаштириш, мураккаб рудалардан олтин ажратиб олиш технологияларини жорий этиш, шунингдек, айрим йирик лойиҳалар бўйича инвесторлар билан ҳамкорлик механизмларини қайта қўриб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Металлургия йўналишида "Ўзметкомбинат"да ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, ички хомашё базасидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш,

бозор талабига мос металл листлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари қўриб чиқилди. Бу борада хомашё таъминоти, маҳсулот турларини диверсификация қилиш ва янги бозорларни ўзлаштириш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Йиғилишда Технологик металлургия комбинати фаолиятига ҳам тўхталаниб, саноат учун муҳим металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, селен, теллур, қуқун металлургияси деталлари ва бошқа юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Тармоқ корхоналарида таннархни пасайтириш ва харажатларни қисқартириш масалалари ҳам диққат марказида бўлди. Мутасаддиларга бир бирик маҳсулот таннархини қисқартириш, энергия сарфини камайтириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш ва ойма-ой аниқ натижаларга эришиш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқиш топширилди.

Давлат харидлари ва кооперация соҳасида маҳаллий компонентни кенгайтиришга алоҳида урғу берилди. Шу боис мутасаддиларга лойиҳалар ва харидларда маҳаллий компонент улушини жорий йилда 2 миллиард доллардан ошириш бўйича аниқ кўрсаткичлар белгилаб берилди.

Шунингдек, геология-қидирув ишларини кучайтириш, қўшимча захираларни аниқлаш, янги кон ва инвестиция блокларини инвесторларга тақлиф қилиш, углеводородга истиқболли майдонларни иқтисодиётга жалб этиш бўйича режалар муҳокама қилинди. Бу йўналишда жорий йилда олтин, қумуш, мис, уран ва рух захираларини сезиларли ошириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда соҳада амалга оширилаётган 22 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида 38 мингта янги иш ўринлари яратилиши, жумладан, 7,5 минг муҳандис ва 14 минг ўрта бўғин мутахассисларига эҳтиёж пайдо бўлиши қайд этилди. Шу муносабат билан соҳадаги олий таълим муассасалари ва техникумлар фаолияти

тини янги талаблар асосида ташкил этиш, таълим дастурларини замонавий технологияларга мослаштириш, дуал таълимни кенг жорий этиш, диплом ишларини бевосита ишлаб чиқариш вазифалари билан боғлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, олийгоҳлардаги илмий тадқиқотларни комбинатлардаги амалий технологик ечимларга йўналтириш, илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш, талабалар учун ўқув-машуғул полигонларини ташкил қилиш, саноат корхоналарида цехларни амалиёт ва тадқиқотлар учун мослаштириш вазифалари белгиланди.

Янги лойиҳалар доирасидаги долзарб илмий мавзулар рўйхатини очқ эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш топширилди. Бу тадқиқотларда соҳадаги 5 та олийгоҳ билан бир қаторда техника йўналишидаги барча давлат, хусусий олийгоҳ ва илмий ташкилотлар иштирок этиши мумкин бўлади.

Йиғилиш якунида тоғ-кон, металлургия, кимё ва нефть-газ каби базавий тармоқларда йирик лойиҳалар ижросини тизимли назорат қилиш мақсадида Президент раҳбарлигида Саноат кенгаши тузилиши маълум қилинди.

Ушбу кенгаш доирасида йирик корхоналарни халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таннарх ва энергия сарфини камайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, маҳаллий контентни ошириш, барча жараёнларни рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий этиш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш бўйича ойлик иш режалари тасдиқланади.

Мутасадди раҳбарларга ушбу режалар ижросини ҳар ой жойларга чиққан ҳолда корхонавий танқидий муҳокама қилиш, мавжуд масалаларни тезкор ҳал этиш ва ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот киритиб бориш топширилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛОВ,
Абдулқазим РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
УА Мухбирлари.

ТИНЧ ВА БАҲҚАРОР ЖАМИЯТ БУНЁДҚОРЛАРИ

Айниқса, мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, манзилли ёрдам тизимини тақомиллаштириш ҳамда замонавий ва самарали ижтимоий ҳимоя механизмларини таъбиқ этиш борасида ишлар изчил амалга оширилаётгани айtilди.

Таъкидланганидек, Гарвард университети қошидаги мазкур Кокус бугунги кунда минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган муҳим ёшлар платформасига ай-

ланиб бормоқда. У турли мамлакатлардан келган ёшларни бирлаштириб, ўзаро мулоқот ва англашувни ривожлантириш орқали тинч ва баҳқарор жамият барпо этишга ҳисса қўшмоқда.

Талабалар Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсатига катта қизиқиш билдириб, бу йўналишдаги амалий тажриба билан яқиндан танишиш истагини билдирди.

Урашув чоғида Танзила Норбоева мамлакатда ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, уларнинг ташаббус ва гоюларини қўллаб-қувватлаш, замонавий билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиш учун зарур шароитлар яратиш

давлатимиз сиёсатида устувор йўналишлардан бири эканини айтди. Шу билан бирга, ёшларнинг глобал илмий ҳамжамиятга интеграциялашувини таъминлаш, инновацион гоюларни рағбатлантириш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим вазифалар сифатида белгилангани ҳам эътироф этди.

Ўз навбатида, Шаҳноза Мирзиёева ҳар қандай мамлакат истиқболли ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлади.

— Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда, ҳозир қабул қилинаётган қарорлар эса бевосита келгуси авлод ҳаётига ҳам дахлдор. Шу боис ёшларнинг фикрлари, ташаб-

буслари ва айниқса, уларни ўйлантираётган масалаларга қулоқ тутиш гою муҳимдир. Бу ёш авлодининг келажақ ҳақидаги тасаввурлари ҳамда ушбу жараёнда мамлакатимиз қандай ўрин эгаллаши мумкинлигини англаш учун қулай имкониятдир, — деди у.

Тадбир давомида тажриба алмашиш, янги ташаббусларни муҳокама қилиш ҳамда келгусида қўшма таълим ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари юзасидан тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Ўрганиш

МУТАСАДДИЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзул Қозихонова бошчилигидаги илмий гуруҳ "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2026 йил январь-февраль ойларида пойтахтда ҳимоя ордери олган шахсларнинг умумий сони 886 нафарни ташкил этган.

2025 йилдаги нисбатан зўравонлик содир қилганлар 20,1 фоизга ошган, жабрланган хотин-қизлар сони 24,7 фоизга кўпайган.

Ўтган йилнинг мос даврида тузатиш дастурига йўналтирилган шахслар сони 10 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йил бу кўрсаткич нолга тенг.

Ишчи гуруҳ томонидан Тошкент

шаҳрида жорий йилнинг ўтган даврида энг кўп ҳимоя ордери берилган Шайхонтоҳур, Учтепа, Яққасарой туманларидаги мутасаддилар фаолияти жойларга қиқиб ўрганилган.

Бундан ташқари, шошилинч қабул бўлиши мавжуд шифохоналарда бир-ламчи кўмак хоналари, "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази фаолияти ҳам таҳлил қилинмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ишлари давом этмоқда.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ЎҚУВ СИФАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенатининг 2026 йилги иш режасига мувофиқ Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг резервдаги ҳамда захирадаги офицерларни тайёрлашга оид қисмининг Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида ижро этилиши ҳолати ўрганилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳон бошчилигида Мудофаа, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Ҳарбий прокуратура вакиллари, шунингдек, экспертлар иштирокида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказига ҳамда Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг ҳарбий таълим факультетига таширф буюришиб, резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Бунда олий таълим муассасаларида талабаларни ҳарбий тайёргарликка саралаш тадбирларининг ташкил этилиши, курол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалардан фойдаланишни ўргатиш, уларнинг жисмоний тайёр-

гарлигини ошириш, тактик тайёргарлик, муҳандислик, ҳарбий топография ва оммавий қирғин қуролларидан ҳимоялаш машғулотларининг ўтказилиши бўйича олиб борилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари олий таълим ташкилотларида ҳарбий таълим бўлинулари штат жадвалини шакллантиришда педагогик лавозимлар ва ҳарбий штат бирликларининг узвий таъминланганлиги, ўқув моддий-техник базасининг тўлиқ жиҳозланганлиги билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида урғу беришди.

Ўрганиш жараёнида ҳарбий тайёргарликни сифатли ташкиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш зарурлиги юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Мониторинг

Ўзбекистонлик сенатор халқаро кузатувчилар миссияси таркибида иш олиб борди

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев жорий йилнинг 15 март куни янги тахрирдаги Қозоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича ўтказилган референдумда МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг халқаро кузатувчилар миссияси таркибида иштирок этди.

145 нафар депутатдан ташкил топадиган ва янги, кенгайтирилган ваколатларга эга бир палатали парламент — Қурултойни шакллантириш Конституция лойиҳасининг асосий янгиликларидан биридир. Унда пропорционал сайлов тизимидан фойдаланилади, депутатлар ваколатининг муддати эса 5 йилдан иборат бўлади.



Лойиҳага киритилган янгиликлардан бири — Вице-президент институтининг таъсис этилиши ва умумийлик мулоқотининг янги платформаси — Қозоғистон Халқ Кенгаши ташкил қилинишидир.

Сенатор республика референдумига тайёргарлик қўриши ва уни ўтказиш жараёнини Остона шаҳри ва Акмола вилоятида кузатди ҳамда сайлов участкаларига таширф буюрди. Референдум доирасида Қозоғистон Сенати Раиси Маулен Ашимбаев ва Қозоғистон Конституциявий суди раиси Элвира

Азимова билан бўлиб ўтган учрашувларда янги Конституцияни қабул қилиш бўйича умумхалқ референдумига тайёргарлик қўриш жараёни ҳамда унинг мамлакат сиёсий тизими ва давлат институтларини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикрлашилди.

Шукуҳ

Ҳар қалбда Наврўз!

Бир неча кун аввал Президентимизнинг Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди ва байрамни юқори даражада ўтказиш бўйича қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди.

Айниқса, ундаги Наврўз байрамини шiori эътиборни тортади: "Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашдир". Қарийб ўн йилдирки, "Инсон қадри", "Инсонни улуглаш" таъминоти асосида қанча эзгу ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Лекин Наврўзни улуглашнинг инсон қадрини улуглаш билан қандай боғлиқлиги бор? Шу саволни ўзимга берар эканман, мактабда фаолият бошлаган илк кунлардаги воқеалар эсимга тушди.

"Бирорта жойда, айниқса, мактабларда Наврўз нишонланмасин, сумалак пиширилмасин — бу байрам эмас, балки эскилик сарқити, диний ақида, агар қимда-қим буйруқни эсимга берар эканман, жавобгарликка тортилади" деган топшириқ келди. Маънавиятчи сифатида нима қиларимни билмайман, болалар, ўқитувчилар, жамоат байрамга катта тайёргарлик кўрганмиз, ахир! Ниҳоят, байрам "Навбахор" номи остида ўтказилади бўлди. Ва бу ҳолат бир неча йиллар давом этди.

Мақсади Наврўзнинг Навбахор деб номланишида ҳам эмас, балки инсон шавни, миллат қадрини топташ, миллий қадриятларни йўққа чиқариш бўлган мана шундай долғали кунлар ҳам ўтди. Мустақиллик деб аталмиш неъмат билан бирга қадимий ўрф-одатларни, қадриятларни ўзида мужассам этган Наврўз ҳам ўз ўрнини топди. Катта бир элнинг, музазам бир давлатнинг расмий байрамини сифатида эътироф этилди.

Бугун баҳор эпкини билан кириб келаётган байрам шуқуҳи халқимизнинг қадим қадриятлари эъзозланганини, бу обод юрда ҳар бир инсон қадри улуг эканини яна бир бор намоён қилмоқда.

Баҳор ўзининг яшил либоси билан шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига чирой қўшмоқда. Ҳар бир гўшадда ободлик, экин-тикин ишлари амалга оширилиб, халқимиз учун катта сайиллар, байрам тадбирлари ташкил этиляпти. Дошқозонларда қайнаётган сумалақлар, хайру саховат ишлари шундан дарак берапти. Бундан ташқари, саховатпеша юртдошларимиз томонидан "Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин" тамойили асосида қанчадан-қанча ўқисик дилларга, илиқудзи маҳали озгина қийинчиликка дуч келган оилаларга ёрдамлар кўрсатиляптики, буларнинг барчасига ташрифи билан эъларимизни, дилларимизни қувонтирган Наврўзи олам сабаб!

Мана шу эмасми "Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашдир" деган шiorнинг асл моҳияти?!

Наврўз — янги кун, баҳор — янгиликнинг фаслида Янги Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, янги ютуқлар, хайрли ишлар янада бардовом. Ана шундай файли ва шуқуҳи кунларнинг бевоасита иштирокчиси бўлганимиз учун шукроналар айтишимиз жоиз.

Бу йилги баҳор айёмининг Ҳайит байрами билан кетма-кет келишининг ўз хикмати бор, назаримда. Чунки бундай қўшалок байрамлар авваллари ҳам нишонланган ва бу яхшилик аломати. Хусусан, "Бобурнома"нинг 1503-1504 йил воқеалари баёнида ҳазрати Бобур шу муносабат билан ғазал битаркан Ҳайит билан Наврўз байрамининг яқин келганини яхшилик аломати сифатида алоҳида таъкидлайди.

Қўл ушлашиб, етаклашиб келаётган ана шундай айёмларимиз халқимиз учун ҳам хайрли ва барокатли бўлсин!

Покиза АҲМЕДЖАНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари
Сирдарё вилояти Кенгаши раиси.

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Депутатлар халқимиз оғирини енгил қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш учун ва зир ва ҳокимлар маҳалла даражасида ишлайдиган тизим яратилгани, маҳаллаларда инфратузилма ва аҳоли турмушини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни эътироф этди.

Шунингдек, ҳудудларга ажратилаётган маблағларни, аввало, аҳоли энг кўп мурожаат қилаётган масалаларни ҳал этишга йўналтириш ташаббуси алоҳида қўллаб-қувватланди.

— Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар зиммаимизга катта масъулият юклайди, — дейди фракция аъзоси Барно Бердиева. — Шу сабабли биз жойларда аҳоли муаммоларини ўрганиш, мурожаатларда кўтарилаётган тизимли масалаларни парламент даражасида муҳокама қилиш ва уларни ҳал этишда фаол қатнашмоғимиз лозим бўлади. Зеро, ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдирини, унинг дарду ташвиши ётади. Демак, халқимизнинг ўй-интилиш-

моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифи ва тавсияларини берди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сонаот хавфсизлигига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ййгилишида "Ўзбекистон Республикасидаги айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда микроқарзларнинг оммабонлиги ошганлиги ва айрим кредит ташкилотлари томонидан агрессив кредитлаш амалиёти қўлланилаётгани натижасида аҳолининг қарз юки кредит маҳсулотлари ҳисобидан кескин ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, микроқарзларни реклама қилиш ҳамда маркетинг контентида истеъмолчиларнинг асосий эътибори бундай кредит

камади 10 фоизини ташкил қилиши лозимлиги белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Фарҳод Зайниев қонун лойиҳасига муносабат билдириб, депутатларни уни бир овоздан қўллаб-қувватлашга чақирди. Депутатнинг қайд этишича, муаммоли кредитлар тобора ошиб бормоқда. Қонунчиликка киритилаётган янги норма аҳолининг кредит билан боғлиқ молиявий хатарлар ҳақида хабардорлигини оширишга, қарз мажбуриятларини олишга нисбатан янада онгли ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

"Адолат" СДП фракцияси ййгилишида Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселекторда илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар, айниқса, алимент тўловчиларни қасбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш орқали мурожаатларни икки бараварга камайитириш, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш каби энг зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни соддалаштириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни қўллаб-қувватлади.

Ййгилишида креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, маданият ва санъатни раванқ топтириш, аҳоли ва юртимизга ташриф буюрувчи туристларнинг маданий дам олишларига кенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қўлларни амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам креатив иқтисодиёт соҳасини тизимли ривожлантириш, ижодкорлар ва креатив тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган.

— Қонун лойиҳаси фракциямиз ййгилишида аҳолига муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берилди, — дейди фракция аъзоси Бехзод Тўхтамурадов. — Унда назарда тутилган нормалар маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз аҳолиси ва хорижда ташриф буюрувчи сайёҳлар учун ўтказилаётган маданий тадбирлар юқори савияда ташкил этилишига хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида креатив иқтисодиёт субъектларини қўллаб-қувватлаш



механизмларини жорий этиш, улар учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратиш назарда тутилган.

Муҳокама жараёнида депутатлар қатор савол ва таклифларни ўртага ташлашди. Хусусан, депутат Сайёра Имомова қонун лойиҳасида айрим хорижий контрагентларга солиқ имтиёзлари берилишига оид нормалар юзасидан фикр билдирди. Унинг таъкидлашича, миллий маданият ва қадриятларни тарғиб этишда маҳаллий мутахассислар имкониятларидан кенгрок фойдаланиш мумкин.

Қонун ташаббускорлари мазкур норма хорижий мутахассисларга устуворлик беришни аниқлаштиришга таъкидлади. Изоҳлашича, айрим ҳолларда замонавий технология ва тажрибаларни қўллаш мақсадида хорижий мутахассислар таътирида лойиҳалар амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, бундай имтиёзлар икки томонлама солиққа тортиш ҳолатларининг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Ййгилишида яна қатор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Хусусан, фракция аъзоси Шокиржон Аҳмедов давлат қаридлари тўғрисидаги қонунга киритилаётган ўзгартиришлар юзасидан асослантиришлар етарли даражада келтирилмаганига эътибор қаратди. У бундай нормалар қабул қилинган тақдирда, уларнинг аниқ мезонлари ва чекловларини белгилаш зарурлигини таъкидлади.

Муҳокама давомида қонун ташаббускорлари лойиҳадаги мавжуд айрим техник ҳатоликларни ишчи гуруҳ доирасида бартараф этишни маълум қилди.

Фракция аъзоси Шарофиддин Назаров мазкур масала юзасидан фикр билдирди. Унинг таъкидлашича, маданият ва санъат соҳасига оид айрим халқаро тадбирларни ташкил этишда тўғридан-тўғри шартнома тузиш амалиёти аввал ҳам мавжуд бўлган. Ва бу каби тадбирларда фақат нарх мезонига асосланган оқит танлов ҳар доим ҳам самарали натижа бермаслиги мумкин.

Муҳокамадан сўнг қонун

лоийҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййгилишида хавfli ишлаб чиқариш объектлари ва потенциал хавfli объектларининг сонаот хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан хавfli ишлаб чиқариш объектларида сонаот хавфсизлиги бошқарув тизимининг аудитини жорий қилиш таклиф этилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳасида хавfli ишлаб чиқариш объектлари ёки потенциал хавfli объектларда сонаот хавфсизлиги қонунчиликни янада такомиллаштиришга, хавfli ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Ойбек Раҳимов.

Қизғин мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. Қонун тартибидоги наватдаги масала — истеъмолчиларни молиявий хатарлардан ҳимоя қилиш ҳамда кредит ва микрокредит хизматлари рекламасини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси атрафлича кўриб чиқилди.

Унда молиявий хизматлар, хусусан, микрокредитлар рекламасини янада тартибга солиш, истеъмолчиларни молиявий хатарлар тўғрисида олдиндан огоҳлантиришга қаратилган қўшимча нормалар киритиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари томонидан айрим нормалар юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди ва депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ййгилишида қонун тартибига киритилган масалалар атрафлича кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Акс садо

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Таҳлилларга кўра, дунё аҳолиси сонининг ортиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кенгайиши ҳамда сонаот тармоқларининг ривожланиши сувга бўлган талабни йилдан-йилга оширмоқда. Трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш, сув ресурсларини адолатли тақсимлаш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари ҳам халқаро миқёсдаги муҳим вазифалардан бирига айланган.



Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик ҳамда соҳада тежамкор инновацияларни қўллаш эса айни зарурат. Бу борада мамлакатимизда тизимли ишлар йўлга қўйилгани ўз самараларини бермоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 мартдаги "Суғоришда сув йўқотишларини камайитириш ва сув танқислигининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори сув ислохотларига қаратилган ишларнинг манткий давоми бўлди. Бу сув хўжалиги тизимини янада такомиллаштириш, суғориш инфратузилмасини модернизациялаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган муҳим дастурнинг ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур қарорда мамлакатимиздаги мавжуд сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, суғориш тизимларидаги йўқотишларни камайитириш ҳамда танқисликнинг эҳтимолий салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, сув хўжалиги тизимини сув йўқотилиши юқори бўлган 389 километр каналларни реконструкция

таъминоти яхшиланиши кутилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, экспортбор маҳсулотлар етиштиришни кенгайтириш ва аграр тармоқнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга олиб келади.

Рақамларга эътибор беринг: ушбу ҳужжатга мувофиқ, республика бюджетини ҳисобидан 600 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, бундан 480 млрд. сўми каналлар ва суғориш тармоқларини бетонлаштириш ишларига, 120 млрд. сўми эса сув танқислигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади.

Шу билан бирга, қарорда маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида куз-қиш мавсумида фойдаланилмайдиган сув захираларидан ҳамда ёгингарчилик сувларидан самарали фойдаланиш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқилиши ҳам назарда тутилган. Бундай ёндашув сув ресурсларини тежаш ва улардан янада самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Умуман, амалга оширилаётган бундай ислохотлар пировард натижада қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кўтариш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларини асраш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлайди.

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор ййгилиши мазкур йўналишдаги ислохотларни янги bosқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда айрим ҳокимлар ва мутасадди раҳбарлар фаолияти танқид қилинди, айни чоғда ижобий натижалар ҳам айтилди.



Аmmo ички ишлар органлари, мажбурий ижро бюроси, энергетика, бандлик ва соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича мурожаатлар қўпчилигича сақланиб қолаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу ҳолат ушбу соҳаларда хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

Жумладан, алоҳида эътибор қаратилган масала — алимент тўловлари билан боғлиқ мурожаатларни оилалик. Утган йили бу борада 70 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Муаммонинг асосий сабабларидан бири алимент тўловчиларнинг расмий даромади мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан маҳаллий ҳокимликлар, бандлик бўлимлари ва маҳалла институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали бу муаммони ҳал этиш мумкинлиги таъкидланди.

Қолаверса, электр таъминоти, йўллар, сув ва канализация тизими билан боғлиқ муаммолар бўйича 2025 йилда 100 мингдан кўп мурожаатлар келиб тушган. Бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида жорий йилда 20 трлн. сўм маблағ ажратилган. Мазкур маблағларни, аввало, энг кўп му-

урожаат тушаётган маҳаллаларга йўналтириш зарурлиги таъкидланди. Айнан ушбу йўналишда биз, парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни муҳим саналади. Сабаби, сайловчилар томонидан билдирилган мурожаатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, давлат раҳбари айтганидек, маблағларни, аввало, зарур ҳудудларга йўналтириш, иш сифати устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур.

Президентимиз томонидан мурожаатлар билан ишлаш тизимини янги bosқичга олиб чиқиш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Эндиликда Халқ қабулхоналари фақатгина мурожаат қабул қилувчи идора эмас, балки ҳудудлардаги муаммоларни таҳлил этадиган ва уларнинг келиб

чиқиш сабабларини аниқлайдиган марказга айлантирилади. Ушбу ташаббуслар мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқади. Энг муҳими, муаммоларни фақатгина бартараф қилиш эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, тизимли ечим топиш имконини беради.

Мазкур йўналишда қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ҳам долзарб вазифа. Чунки фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, давлат органларининг масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши лозим. Ана шунда оддий одамлар учун "давлат идораси — муаммолар ечиладиган жой"га айланади. Фуқаролар мурожаатлари шунчаки қозғода қолиб кетмаслигини ва қуруқ ваъда билан қайтарилмаслигини ўз ҳаётида хис қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган янги ёндашув муаммоларни фақат қайд этиш ёки вақтинча ечим бериш эмас, балки уларнинг илдизига етиб бориб, сабабларини бартараф қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу эса давлат бошқарувида масъулият, очкилик ва халқ дардига дахлдорлик тамойилларини янада мустаҳкамлайди.

Гулнорахон АБДУГАЙИТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари тасдиқланди.

«МЕНИНГ БИР БОҒИМ БОРДИР: САМАРҚАНДДАН БУХОРОГАЧА...»



Хали оддий амирлардан бири мақомида, қайсар ва иззатталаб бекар бошини гоҳ қовуштиришга эришиб, гоҳ қовуштира олмай Туркистон чўлларидан от чоптириб юрилган палларлар... Соҳибқирон маъшум "Лой жанги"дан (милодий 1365 йил баҳори) кейин Амир Ҳусайнга ўхшаб жонини сақлай деб, юртини ташлаб кетмади, балки милодий 1365-1366 йиллар қишида Қарши қалъасини қуришга киришди ва поёнига етказди. Бу унинг оддий бир амир бўлган эса-да, ўзини бутун мамлакат учун масъул сезганини кўрсатади.

Маълумки, Самарқанд мустақам деворлар билан ўралмаган эди. Шаҳар салтанат маркази қилиб белгилангандан кейин Амир Темур унга пойтахт кўрку салобатини бериш, обод масканга айлантириш йўлида катта ҳаракат бошлади. Бу ҳаракат Соҳибқироннинг бутун умри давомида бир лаҳза тингани йўқ, десак, муболага бўлмас.

Даставвал кўчалар ораста қилинди, Кўсарой бунёд этилди. "Самарқанд аркида Темурбек улуг бир кўшк солибдур, тўрт ошёниқ, — деб ёзади Бобур Мирзо. — Кўсаройга мавсум ва машҳур ва олий иморатдур". Милодий 1371 йилда олти дарвоза тикланди, шаҳарсозлик ривожланди, шаҳар мустақам қалъа деворлари билан ўраб олинди.

Соҳибқирон Самарқанд дунёнинг энг олди шаҳарига айлантирмоқчи эди, бунга эришди ҳам. Буни таъкидлаш учун шаҳар атрофида Дамашк, Бағдод, Миср, Шероз, Султония каби машҳур шаҳарлар номлари билан аталган, бегоғларга кўмилган катта-катта обод қишлоқлар барпо қилдириди. Бу ҳаракатнинг замирида дунёнинг номи чиққан шаҳарлари Самарқанд олдига бир қишлоқдир, деган маъно ётарди.

Самарқанд атрофида яратилган боғларнинг (уларни ўн бешта санашади, фикримизча, ундан ҳам кўп) таърифи эса ўзгача. Жанубда, Сиёбнинг ўнг қирғоғида буй кўрсатган "Боғи Чинор", кунботарда, милодий 1378 йилда Табризнинг оқ ва тоза мрамаридан ишланган қасрли, уюлиб, шиббаланган тупроқ устида тикланган "Боғи Биҳиш", шимолда — Зарафшон бўйида қад кўтарган "Боғи Баланд", Самарқанддан олти километр кунчиқашда Ўрта Пўлатчи қишлоғига яқин Хончорбоғ деган жойда ўн иккита боғ ўрнида бунёд этилган "Боғи Дилқушо" (Амир Темур Испания элчиси Клавихо билан 1404 йил сентябрь бошларида шу боғда учрашганди). Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришича, бу боғдан Самарқанднинг Феруза дарвозасигача терак экилиб, сўлим хиёбон қилинган.

Боғларни санашда давом этамиз. Самарқанддан 24 км. жанубда жойлаш-

қилиб (ғайрат кўргизиб), кеча-кундуз ишлатур эрдилар. Соҳибқирон (давлат ишлари билан қаттиқ банд бўлишларига қарамадан! — Таъкид бизники — **М.А.**) бир ой ярим ўзи туриб жад қилур эрдилар...», деб ҳайратланиб ёзади тарихчи.

Ўша йили кузда "Кониғилнинг бир ёнида боғи тарх солсунлар!" деган олий фармон қабул қилинади. Кичик малика, соҳибжамол Тўқалхонимга атаб олий бир кўшк, улугвор айвон бунёд этадилар. "Мураббаъ тархи солдилар-ким, — деб ёзади Яздий боғ ҳақида, — ҳар ёни минг беш юз қари эрди (яъни, етти юз эллик метр — **М.А.**) ва ҳар бир томида бир дарвоза қўйдилар ва олий тоқилар боғладилар ва кошин била зебу зийнат бердилар... Кўшкнинг тоқу равоқлари нақшикор ва сиркор гишлар билан пардоз топди. Боғнинг тўрт бурчагида... серхашам шийонлар қурилди..."

Муаррихлар сўзларига қараганда, боғ жаннатдай оромжон, Эрам боғидек дилқушо экан. "Амир Соҳибқирон у боғ ва саройларнинг қурилиши билан бир ойни (!) ўтказди...", дейди Низомиддин Шомий. Ҳайратда қоладиган жойи шундаки, салтанат юмушлари билан ниҳоятда банд бўлган Амир Темурдай давлат арбобининг битта боғ барпо этишга бир ой вақтини сарфлаши, шунга фурсат топа олганидир. Худди ўша йили "Боғи Шимол" қурилишида ҳам "Соҳибқирон бир ой ярим ўзи туриб жад этар эдилар" (Яздийнинг эътирофи).

Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарига Жоме масжиди қурилишига тўхталиб, шундай ёзган эди: "Соҳибқирон ғоят ихтимомидинким (эътибор берганидан, диққат қилганидан), масжид ишида тааллул (бахона, сўтлашмиш) бўлмағай (деб), ўзи ҳар кун келиб ишлагонлар бошига туриб, ихтимом қилур эрди. Ва сўрар эрди..."

Демак, боғ барпо қилиш, масжид ё бошқа бино қуриш давлат аҳамиятидаги юмушлардан кам ҳисобланмаган, балки айни салтанат юмуши саналгани аниқ.

Тарихчилар маълумотларига қараганда, Самарқанд атрофидаги бу боғлар эшиги давлат арбобларидан тортиб, то хорижий мамлакатлар элчиларигача (масалан, испан элчиси Луи Гонсалес де Клавихо), ҳунарманду толиби илмлар, кенг оммага очик эди, ҳар ким боғларга эмин-эркин кириб роҳату фароғатда сайр этарди... Бу ўша замонларда кам учрайдиган диққатга сазовор ҳодисалардан ва албатта, инсонпарварликнинг юксак кўринишларидандир.

“ Бу боғнинг гиштин ва нақшин, ложувард ва олтин билан безатилган баланд ва гўзал дарвозаси бор. Боғ ниҳоятда катта. Унда мевали ва серсоя дарахтлар кўп. Ёғоч панжаралар билан ихоталанган шинам хиёбон ва йўлаклардан одамлар ўтиб туради... ”

бурчагида гўласифат бурж-минора буй чўзган. Боғ ўртасида — олдида сарховузи бор катта чортоқ уй..."

Амир Темур юртининг бу гўзал чаман боғлари билан қанчалар гурунларганини ҳис қилиш мумкин. Мамлакатга келган меҳмонлар бу боғларга, албатта, таширф буюришарди. Масалан, Клавихо Самарқандга келаётиб, Кешдаги мухташам Оксаройни кўздан кечириб, ҳайратга тушган, Тахти Қора-чадаги "Гулбоғ"да сайр этади, кейин "Боғи Дилқушо", "Боғи Давлатобод", "Боғи Нав", "Боғи Чинор" боғларини томоша қилади. Жаннат монанд маскан — Кониғилда ўтган байрамни эса элчиларга атай халқимизнинг қадриятларини, меҳмондўстлиги, бағрикенглигини кўрсатиш, кўз-кўзлаш учун ташкил этилганга шубҳа йўқ.

Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарига ёзишича, милодий 1397 йил март оёида Соҳибқирон "Боғи Шимол"ни барпо этиш ҳақида фармон беради. Кеча-кундуз иш тўхтамайди, бекарда ҳам, устакор(қурувчи)ларда ҳам лаҳза тиним йўқ, "Бекар ихтимом

харда дор ул-иморат (сарой) ва дор ул-адолат (қозихона) курсунлар..."

Ушбу сўзларнинг замирида олам-олам маънолар яширин. Бунёдкорлик салтанатда урғга айланиб, унинг ҳаётбахш таъсири нафақат Соҳибқирон, балки амирзодалар, маликалар, аёнлар ўртасида ҳам кенг тарқалди. Бу ҳаётбахш урфдан руҳланган Кутлуг Туркон оқа, Бибиҳоним, Туман оқа, Гавҳаршодбегим, Милкат оқа (Шоҳрух Мирзо хотини) каби ва бошқа маликаларнинг ўз маблаглари ҳисобига бунёд этган шифохонаю ҳаммом, хонақоҳу мадраса, масжиду рабоблар ҳақида тарихий китобларда батафсил ёритилган.

Соҳибқирон ёшлигидан азиз-авлиёларга иззату иқром кўргизиб келарди. Унинг Шайх Шамсиддин Кулол, Шайх Зайниддин Абу Бакр Тойбодий,

“ Тарихчилар маълумотларига қараганда, Самарқанд атрофидаги бу боғлар эшиги давлат арбобларидан тортиб, то хорижий мамлакатлар элчиларигача (масалан, испан элчиси Луи Гонсалес де Клавихо), ҳунарманду толиби илмлар, кенг оммага очик эди, ҳар ким боғларга эмин-эркин кириб роҳату фароғатда сайр этарди... Бу ўша замонларда кам учрайдиган диққатга сазовор ҳодисалардан ва албатта, инсонпарварликнинг юксак кўринишларидандир. ”

Мир Сайид Барака сингари зотларга ҳурмат-эътибори маълум. Табаррук зиёратгоҳлар, қадимжоларни обод қилишдаги саъй-ҳаракатлари таҳсинларга лойиқ. Шаҳрисабздаги Дор уттиловат, Дор ус-сиёдат, Самарқанднинг Шохизиндасидаги Қусам ибн Аббос мақбараси ва бошқа иншоотлар, Амир Темур мақбараси, кўплаб хонақоҳлар, Зағнота мажмуи, Бухородаги Сайфиддин Боҳарий, Чашмаи Айнуб мақбаралари бинолари Соҳибқирон томонидан қурилган, ё тудбан таъмирланган.

Амир Темурнинг гойибона пирларига эҳтирому иззатнинг олий намунаси, "Туркистон мулкнинг шайх ул-машойихи, мақомоти олий ва машҳур" (Алишер Навоий таъбири) Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳисобланади.

Даставвал бу ерда милодий XII асрда қурилган кичик мақбара мавжуд эди. Соҳибқирон милодий 1397 йил кузида Ясси шаҳрига боради. Табаррук қадимжони таваф этар экан: "Бу азиз Муҳаммад Ҳанифа ўғлонларидин турур, алайхи ва ала олихи вассалом", дейди.

"Буюрдики, — деб ёзилади "Зафарнома"да, — ул мазори устига иморати олий солдилар ва бир улуг тўк (гумбаз) боғладиларким, кўк била сўзлашур эрди... Икки йилдин сўнг ул иморат туганди. Ул иморат тугангандан сўнг, андаги фақуру мискинларга кўб садақалар бердилар..."

Хожа Аҳмад Яссавий қадимжоси ҳамшиша Соҳибқирон диққат-марказида бўлди. Унга махсус вақф тайин қилинди.

Буюк саркарда ҳамшиша ерларни обод қилиш йўлларини қидирар, айниқса, сув чиқаришга катта эътибор беради. Унинг назарини, фойдаланиши мумкин бўлган бир парча ер ҳам бекор, бенаф ётмаслиги керак эди.

В. Бартольд Амир Темурнинг салтанатда суғориш ишларига катта аҳамият бергани ҳақида ҳайратланиб ёзади. Фақат Туркистонда эмас, балки Хуросонда, Қобул атрофларида, Мурғоб бўйларида, Қорабоғ, олис Мугон чўли ва бошқа жойларда ободончилик, сув чиқариш, ариқлар қазииш ишлари изчиллик билан олиб борилган.

Мурғоб водийсида деҳқончилик бошлангани тарихчилар Амир Темур номи билан боғлайди. Соҳибқирон Хуросонда бутун аркони давлат — амру аёнларнинг ҳар бирига Мурғобдан бир ариқ, сой (канал, албатта, ўзларнинг ҳисобидан) чиқариши буюради. Каналларнинг ичиди Соҳибқироннинг хайрия ишлари билан машҳур, эгачиси Кутлуг Туркон оқа номидигиси ҳам бор эди...

Каналнинг номи "Кутлуг Хотун" деб аталарди.

Ўхшаш ҳодиса милодий 1398 йил баҳорида ҳам рўй берди. Соҳибқирон Самарқанддан Кеш томон йўлга чиқди. Йўл тоғдан ошиб тушар эди. Етти йиғоч йўл юрганларидан сўнг тўхтадилар. Соҳибқирон атрофга назар солиб кўрдики, тоғнинг тепаси жуда хушманзара, баҳаво жой экан, тоғнинг оғзида шарқираб катта сув оқиб чиқиб турибди... "Иморатга лойиқ ер экан!", деб ўйлади Амир Темур. "Шу ерда боғ қилсунлар, бу сувни боққа олиб кирсунлар, боғнинг ичиди қаср солсунлар!" деган олий фармон берилди... Оқибатда, пайтлар келиб, Ибн Арабшоҳ "йўқолиб қолган от фақат олти ойдан кейингина тоғлибди", деб таърифлаган "Тахти Кароча" боғи барпо этилди...

Йўлда яна Арабон мавзеида бир рабоб солдиради...

"Соҳибқироннинг бовжуд улким, доим иши юруш эди ва бир ерда ўлтурсмас эди, — деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. — Аммо андин анча иморат ва зироат ва бақъоти хайр (қадам-қо, макбара бинолари) ҳар вилоятда ёдгор қолдиким, сони йўқ турур..."

Буюк тарихчининг сўзлари асло муболага эмас. Биз ҳам Соҳибқирон бунёд этган, Шарафиддин Али Яздий айтмоқчи "сони йўқ..." биноларни санаб охирига етиш мушкуллигини англаб, бу юмушдан ўзимизни тиямиз.

Ажаб ҳикматки, қайдадир жанглар бўлиб ётарди, Соҳибқирон салтанатида қурилишлар, бунёдкорликлар тинмасди...

Соҳибқирон табиятан қурувчи эди, унинг фаолияти замирида халқимизнинг бунёдкорлик фазилати, "кураман" деган ҳаётбахш ва яшовчан фалсафаси мумжасам эди. Биз буни Соҳибқирон ҳақида ёзилган мўтабар асарларда, айниқса, ҳозир ҳам кўз ўнгимизда савлат тўкиб турган мухташам кошоналарда, иморатларда кўрамиз, ҳис этамиз, фахрланамиз.

Бугун Янги Ўзбекистонда Президентини Шавкат Мирзиёев олиб бораётган кенг қўламадаги бунёдкорлик ишларини кўриб қол қолади киши. Ҳа, Турон юртида Соҳибқирон руҳи кезиб юрибди. Юртбошимиз раҳматомлигида яратилган лойиҳалар асосида бунёд этилган ва этилаётган "Янги Ўзбекистон" боғи, монанди йўқ Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Янги Тошкент шаҳри, Янги Тошкент аэропорти, вилоятларда барпо бўлаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари, туризм масканлари, аэропортилар ва ана саналса, санақ етмайдиган қанча-қанча кошоналар, мухташам саройлар, тиббиёт иморатлари, тахтиравон йўлларга боқиб нигоҳлар қунавайди, диллар фахрларга тўлади.

Амир Темур бунёдкорлиги бугун ҳам юксак суръатларда давом этмоқда, оламни ҳайратга солмоқда.

Эртасига умид боғлаган халққина қурилишга меҳр қўяди, бу аънава ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда ва шиддат билан ўтиб боради.

Х аср географ олими Абу Исҳоқ Истаҳрий ўзининг "Йўллар ва мамлакатлар китоби" номли машҳур асарига Самарқанд ҳақида тўқилган ёзаркан: "Катталиги шунчаки, қўқалмазор ва боғлар орасидан саккиз кун юрасан", сўзларини келтиради. Борди-ю, мўъжиза юз бериб, ўша олим бугун Ўзбекистонга келиб қолса, унинг боғларини, шаҳарларини кезиб чиқиш учун, саккиз кун эмас, ойлар, йиллар керак бўларди, бунга асло шубҳа йўқ!

Бир атрофимизга назар ташлайлик: қай ердадир олам нотинч, юртлар пароканда, жанглар кеңмоқда...

Лекин Амир Темур Ватани — мустақил Янги Ўзбекистонда қурилишлар тинмайди, бунёдкорлик одимлари кучайгандан кучайиб боради, қадимий ҳаётсевар юрда улуг аънавалар давом этаётганини жаҳонга кўз-кўз қилади.

"Менинг бир боғим борки, у Самарқанддаҳин Бухорогачадир..." сўзларини Соҳибқиронга нисбат берадилар. Ўша сўзлардан намуна олиб: "Бизнинг бир боғимиз бордир, у Андижондан Сурхонгача, Чотқолдан Чимбойгача", деб айтмас, бунда ҳеч қандай муболага қилмаган бўлаемиз. Соҳибқироннинг Ватани — Янги Ўзбекистон, жонаҳон юртимиз, яратувчи халқимиз, мангулик боғимиз шундай кутлуг сўзларга муносибдур.

Муҳаммад Али, Ҳалқаро Амир Темур жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

Тошкент шаҳрида дунёдаги энг йирик стартап платформалардан бири — «Techstars Uzbekistan» дастури ишга тушди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси кузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетнинг ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган қўғамлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетнинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланаяди.

Гезетнинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.09 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6